

Юридик шахсни давлат рўйхатидан утказилганлиги туғрисидаги



# ГУВОҲНОМА

Юридик шахс

**"SUVSANOATMASH" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахс — тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи

**"SUVSANOATMASH" АЖ**

Юридик шахснинг қисқартирилган номи

**201 207 004**

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

Ташкил этиш (қайта ташкил этиш, бошқа рўйхатга олиш, ахборотни ўзгартириш)

**12.03.2004**

**000191-05**

Сана

Тасдиқланди

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Фаолият юритадиган манзил

**TOSHKENT SHAHRI, OLMAZOR TUMANI, USTA SHIRIN KO'CHASI, 120-UY**

Томонидан берилган:

**OLMAZOR TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

1524575





## Маълумотларни ўзгартириш ҳақида маълумотнома

### Ўзгартиришдан олдин

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

201 207 004

Номи

SUVSANOATMASH

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акциядорлик жамияти

Жойлашган жойи (манзили)

Toshkent shahri, Olmazor tumani, USTA SHIRIN  
KO'CHASI, 120-UY

### Ўзгартиришдан кейин

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

201 207 004

Номи

SUVSANOATMASH

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акциядорлик жамияти

Жойлашган жойи (манзили)

Toshkent shahri, Olmazor tumani, USTA SHIRIN  
KO'CHASI, 120-UY

28.11.2023

2322348

1524574

Гувоҳнома олинган сана

Ариза рақами





## Маълумотларни ўзгартириш ҳақида маълумотнома

### Ўзгаришдан олдинги акциялар

Акция тўғрисида маълумот

Имтиёзли

Акциялар сони: 25447

Акция баҳоси: 1000 сўм

Акция тўғрисида маълумот

Оддий акциялар

Акциялар сони: 7578307

Акция баҳоси: 1000 сўм

Устав фонди

7 603 754 000 сўм

28.11.2023

2322348

1524574

Тўвоқнома олинган сана

Дрифт рақами





## Маълумотларни ўзгартириш ҳақида маълумотнома

### Ўзгаришдан кейинги акциялар

Акция тўғрисида маълумот

Имтиёзли

Акциялар сони: 25447

Акция баҳоси: 1000 сўм

Акция тўғрисида маълумот

Оддий акциялар

Акциялар сони: 7578307

Акция баҳоси: 1000 сўм

Устав фонди

7 603 754 000 сўм

28.11.2023

2322348

Гувоҳнома олинган сана

Ариза рақами

1524574



Тошкент шаҳар Олмазор туман  
Давлат хизматлари агентлиги  
томонидан

2023 йил “18” ноябр да

2322348 -сон реестр рақами билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Сувсаноатмаш” АЖ  
барча оддий акцияларининг ягона  
эгаси бўлган акциядорнинг  
2023 йил “14” ноябр даги



«2322348» -сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“SUVSANOATMASH”  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
УСТАВИ  
(янги таҳрирда)**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05. 2014й. ЎРҚ-370 сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

1.3. “Сувсаноатмаш” АЖ (матн давомида Жамият деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2003 йил 28 августдаги 709-пп-р-сонли “Тошкент шаҳар, Собир Рахимов (ҳозирги Олмазор тумани) тумани, Уста Ширин кўчаси, 120 уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар тажриба таъмирлаш механик заводини (бино ва иншоотлари билан) давлат тасарруфидан чиқариш ва очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида”ги фармойишига асосан ташкил этилган.

1.4. Жамият юридик шахс сифатида 2004 йил 12 мартда Тошкент шаҳар Олмазор тумани хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 398-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган. 2010 йил 1 февралда 3507-сонли реестр тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган, 2013 йил 7 февралда 8315-05-рақам билан, 2013 йил 22 августда 9291-рақам билан жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинган. Жамиятнинг Устави 2014 йил 11 ноябрда 000191-05-сонли реестр тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган, 2015 йил 25 апрелда 2317-05 рақам билан жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинган. Бундан сўнг, 2017 йил 20 декабрда 509356 - рақам билан тасдиқланган. Жамиятнинг Устави 2020 йил 28 февралда 2854409 – сонли реестр тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган. Жамиятнинг Устави 2020 йил 4 ноябрда 3667322-сонли реестр тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган. Жамиятнинг Устави 2022 йил 19 июлда 000191-05-сонли реестр тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави 2023 йил 20 июлда 2221490 – сон билан рўйхатга олинган.

1.5. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- Лотин алифбосида: - « **Suvsanoatmash** »;
- Кирил алифбосида: - «**Сувсаноатмаш**» акциядорлик жамияти;
- Рус тилида: - **Акционерное общество «Сувсаноатмаш»**;
- Инглиз тилида: - **Joint stock company «Suvsanoatmash»**.

1.6. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

- Давлат тилида лотин алифбосида: - «**Suvsanoatmash**» **АЖ**;
- Давлат тилида кирил алифбосида: - «**Сувсаноатмаш**» **АЖ**;
- Рус тилида: - **АО «Сувсаноатмаш»**;
- Инглиз тилида: - **JSC «Suvsanoatmash»**.

1.7. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 120 уй. Индекс: 100057.

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.uzgidrossm.uz](http://www.uzgidrossm.uz).

Жамиятнинг электрон почта манзили: [ssm@uzgidro.uz](mailto:ssm@uzgidro.uz)

## **2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

2.1. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

2.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.3. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга Жамиятнинг устави, шу жумладан уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига кўра унга Жамият уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

2.7. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

2.9. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар, ҳамда шўъба хўжалик жамияти очиш мумкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар, ҳамда шўъба хўжалик жамияти жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.11. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.12. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.13. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.14. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ**

➤ Жамият тижорат такшилототи бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

➤ Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ишлаб чиқаришнинг илгор технологияларини тадбиқ қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг самарали ишлашини ташкил этиш ва турли тижорат хизматлари кўрсатиш орқали фойда олиш ҳисобланади.

➤ Ўз фаолиятининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун Жамият куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

➤ гидроэнергия хосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларида иштирок этиш учун микро ва миниГЭС ускуналарини ҳамда ностандарт металлоконструкция ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш;

➤ йўл қурилиши ва мелиоратив техникасини ишлаб чиқариш;

➤ йўл қурилиш, ер қазилар механизмлари, трейлерлар ва бошқа техник механизмлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш;

➤ конструкциялар, ностандарт ускуналар, ирригация ускуналари учун кўтаргичлар ишлаб чиқариш ва йўл қурилиш техникасини, экскаваторларнинг турли маскаларини ва электр двигателларни жорий ва капитал таъмирлаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунчиликка асосан кўчар ва кўчмас мулкни ўз мулки сифатида сотиб олиш ва ижарага бериш;

➤ техник воситаларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил қилиш;

➤ транспорт-экспедиторлик хизматлари;

➤ ишлаб чиқарилган халқ истеъмол молларининг улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;

➤ жамият ходимлари учун даволаниш профилактика ва тиббий консультатив муассасаларни ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлигининг рухсатномаси олинган ҳолдагина);

➤ хусусий тижорат-воситачилик, улгуржи ва чакана савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, кичик ва кўшма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, майда улгуржи, воситачи ва чакана савдо дўконлари, савдо уйлари, улгуржи ярмаркаларни очиш;

➤ ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчилардан, уларнинг мулкчилиги шакли, бошқарув органидан қатъий назар, зарурий моддий ресурслар ва товарларни эркин сотиб олиш ҳамда харидорларга сотишни ташкил этиш;

➤ хом ашё тайерлаш, хўжалик фаолияти учун зарурий маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо воситачилари, шунингдек хорижий фирмалар билан контрактлар ва тўғридан тўғри шартномалар тузиш йули билан харид қилиш;

➤ ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда қурилатган ва қайта қурилатган савдо корхоналарини зарурий анжом ва маҳсулотлар билан таъминлаш;

- ишлаб чиқарилган ўз маҳсулотлари ва Республика ҳудудидан ташқарида харид қилинган маҳсулотларни сўмга ва валютага сотиш учун турли хилдаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари очиш.
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, бозор механизмини ривожлантириш, бозорда рақобатга бардошли, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, вилоят хўжаликларига ўзининг автотранспорти билан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги истеъмолчиларга халқ хўжалик истеъмоли молларини етказиб бериш;
- корхонани техник жиҳатдан жиҳозлаш, замонавийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;
- корхонани иқтисодий, молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, корхонада ишловчилар учун қулай, замонавий шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;
- Ўзбекистон Республикаси агро ва сув саноатининг ривожига муносиб ҳисса кўшиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида филиаллар, кўшма корхоналар, ваколатхоналар, ишлаб чиқариш майдончаларини таъсис этиш;
- шартнома асосида олий ўқув юртли билан юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ташқарисида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида ўзаро самарали фаолият кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш.
- қонунчиликга мувофиқ ўзининг асосий фаолияти турларидан ташқари бошқа турли ишларни бажариш ва тижорат фаолиятини олиб бориш, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш бўйича тадбирларни ҳамда рекламани амалга ошириш;
- технологиялар ва “ноу-хау”ни ишлаб чиқиш ва сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳамда унинг ташқарисидаги корхоналар ва аҳолига ўзининг маҳсулотини сотиш.
- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақли.
- Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

#### **4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### 4.1. Жамият куйидаги ҳуқуқларга эга:

- минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- хорижий корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- Республика ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, кўшма корхоналар ва бошқа янги корхоналарни тузиш ва таъсис қилиш;

- ўқув марказлари билан ҳамкорликда шартномалар асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;
- биргаликдаги фаолият шартномалари асосида Жамият ва унинг филиалларининг ишига чет эл инвестицияларини жалб этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкни, мулкрий ҳуқуқларни ва ақлий мулкни мулк қилиб сотиб олиш, ижарага бериш ва олиш;
- уюшмалар, иттифоклар, консорциумлар, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларига аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳар қандай тўлов шакллари бериш ва акцептлаш, айирбошлаш тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблагларини айирбошлаш;
- ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш фондларини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида мустақил равишда ўз балансидан мол-мулк, қарз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;
- Жамият уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом-ашё материаллар, транспортни сотиб олиш;
- танловларда (ким-ошди савдоларида, савдоларда) қатнашиш;
- хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларига биноан ўз ходимлари учун қўшимча меҳнат таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни белгилаш.

#### 4.2. Жамиятнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этмаслик;
- Акциядорлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш;
- Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.

4.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият Бош директори томонидан белгиланади.

4.5. Жамият қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганда, корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, топшириш ҳужжатида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, қайта ташкил этилган юридик шахсга ўтган ҳисобланади

## **5. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

5.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

0,81 фоиз, 25 447 000 (йигирма беш миллион тўрт юз қирик етти минг) сўм ёки 25 447 дона имтиёзли эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар жисмоний шахсларга тегишли улуш.

99,19 фоиз, 3 102 279 000 (уч миллиард бир юз икки миллион икки юз етмиш тўққиз минг) сўм, ёки 3 102 279 (уч миллион бир юз уч минг икки юз етмиш тўққиз) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар давлатга тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сонли қарорига асосан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти устав капиталини шакллантириш учун берилган;

2020 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Q-0733-3 сонли қарор билан 4 476 028 000 сўмлик номинал қиймати 1000 сўм бўлган 4 476 028 дона оддий акциялар «Сувсаноатмаш» акциядорлик жамияти барча оддий акциялари ягона акциядори “Ўзбекгидроэнерго” АЖ номидан киритилишига рухсат берилган.

Жамият устав фонди қуйидагича тақсимланган:

Жамиятнинг жами устав фондининг 7 603 754 000 (етти миллиард олти юз уч миллион етти юз эллик тўрт минг) сўм бўлиб, шундан:

Жамиятнинг устав фондининг миқдори 99,67 фоиз, 7 578 307 000 (етти миллиард беш юз етмиш саккиз миллион уч юзи етти минг) сўм, ёки 7 578 307 (етти миллион беш юз етмиш саккиз минг уч юзи етти) дона оддий акциялар “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятига тегишли бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган акциялардан иборат.

0,33 фоиз 25 447 000 (йигирма беш миллион тўрт юз қирик етти минг) сўм ёки 25 447 дона имтиёзли эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар жисмоний шахсларга тегишли улуш.

#### **а) ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ**

5.2. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.3. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати **1000 (минг) сўм** бўлган **100 000 000 (юз миллион) дона** оддий акциялардан иборат.

5.4. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин.

5.5. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.7. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда

тақсимланади. Жамиятнинг капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматиға мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.8. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш), акциялар учун тўлов тартиби ва амалга ошмаган деб топиш улуши белгиланади.

5.9. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

## **б) ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ**

5.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.12. Жамият устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав капиталининг Жамият уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5.13. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

5.14. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.15. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йигилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.16. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.17. Акциядорлар умумий йигилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.18. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

5.19. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

## **6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қогозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир.

6.2. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йигилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.4. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.5. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.6. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.7. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қогозлари билан тўланиши мумкин.

6.8. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қогозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6.9. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.10. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.11. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.12. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув

кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлик бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.14. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.15. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

6.16. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.17. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.18. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича номинал қийматининг 25 (йигирма) фоиз миқдоригача дивиденд тўланади. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган тугатилиш қиймати бозор қийматига тенг нарх бўйича сотиб олинади.

6.19. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

6.20. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

6.21. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисоб варагига ўтказиб бериши шарт.

6.22. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

6.23. Жамиятнинг дивидендларни тўлашга доир чекловлари:

- Жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чогида тўлик тўлаб бўлингунига қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.24. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **7. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

7.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қогозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш қимматли қогозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қогозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

7.4. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қогозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.5. Жамиятнинг акциялари ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклида чиқарилади.

7.6. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қогозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

7.7. Акциялар очиқ обуна йўли билан жойлаштирилганда эмитент қимматли қогозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни рисолада мавжуд маълумотлардан манфаатдор исталган шахснинг ушбу маълумотлардан фойдаланиш тартибини кўрсатган ҳолда нашр қилиши шарт. Бунда, қимматли қогозлар қўшимча чиқарилишини қимматли қогозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар нашр этилганидан кейин камида икки ҳафта олдин жойлаштириш тақиқланади.

7.8. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қогозларини жойлаштириш чогида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

7.9. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида

Жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади.

7.10. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра Жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади.

7.11. Жамият акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жойлаштирилган акцияларини устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан майдалашни ёки йириклаштиришни ўтказиши мумкин.

7.12. Майдаланган ёки йириклаштирилган тақдирда касрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

7.13. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қогозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қогозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

7.14. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7.15. Жамият устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

## **8. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8.1. Жамият акциядорлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- Инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қогозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурталаш.

8.2. Акциядорлар конун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

8.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

8.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварагига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қозғоғга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.7. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган айрим масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан кейинги йигилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

8.8. Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

8.9. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур уставда ва қонунчиликда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- мазкур уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарувида иштирок этиш ва уни ривожланишига ҳисса қўшиш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик.

8.10. Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## **9. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

9.1. Жамиятда устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

9.2. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.3. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

9.5. Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳуқуқига эга. Ушбу фондларни ташкил этиш тўғрисидаги низомлар ва уларни тасдиқлаш тўғрисидаги қоидалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## **10. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

10.1. Жамият бошқарув органилари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Жамият Бош директори) ҳисобланади.

## **11. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙ ЙИГИЛИШИ**

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг

аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.4. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) ўз акцияларини олиш;

ж) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

з) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

и) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

к) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

л) Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш;

м) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) қимматли қозғаларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, ахборот сиёсати тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги, акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши тўғрисидаги, Ижроия органи тўғрисидаги, Бошқарув ва

назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисидаги Низомларини тасдиқлаш;

т) Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;  
у) ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

х) санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қозғалар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ц) акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва нazorat органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

ч) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчилик ва ушбу уставда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

11.8. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.9. Мазкур уставнинг 11.5. бандидаги а), б), в), д), л), с) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.10. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

11.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қозғалари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

11.14. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.15. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

11.16. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатиш ҳоллар бундан мустасно.

11.17. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин корпоратив ахборот порталига, Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.18. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

11.19. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият Кузатув кенгашининг Бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

11.20. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.21. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига масала уни кўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

11.22. Жамият Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

11.23. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

11.24. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.26. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

11.28. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чикқан тақдирда, бу талабда умумий йигилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони тўғри кўрсатилган бўлиши лозим.

11.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

11.31. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида ёки йигилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

11.32. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар

(уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.33. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.34. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

11.35. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

11.36. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.37. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш, овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

11.38. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

11.39. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

11.40. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

11.41. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

11.42. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

11.43. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

- умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йигилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йигилиш кун тартиби кўрсатилади.

11.44. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йигилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

11.45. Жамият акциядорлар умумий йигилиши Жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

11.46. Жамиятнинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг **3 фоизидан** ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (*бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно*).

11.47. Жамиятда барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлганлиги учун акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди. Амалдаги Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларининг ягона эгаси бўлган акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари амалдаги Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда ушбу бобнинг акциядорлар умумий йигилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

## 12. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

12.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

12.4. Жамиятнинг яқка тартибдаги ижроия органи раҳбари Бош директори (бундан буён матнда Бош директор деб юритилади) Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

12.5. Корпоратив бошқарув Кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган Кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилиши ва сайланаши мумкин.

12.6. Айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

12.7. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- в) акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш), жамият ижроия органи- Бош директор лавозими учун танлов ўтказилганда голиб чиққан номзодни Бош директор лавозимига тайинлаш, аввал тайинланган Бош директор билан тузилган меҳнат шартномани узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;
- и) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш;
- к) Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш лозим.
- л) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- м) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- н) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- о) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- п) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- р) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- с) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- т) қимматли қозғалар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- у) аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- ф) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- х) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- ц) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- ч) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ш) акцияларни жойлаштириш (қимматли қозғаларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- щ) ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошқор этган тарзда қабул қилиш;
- ы) Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;
- э) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш.

12.8. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчиликга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

12.9. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

12.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

12.12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

12.13. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қилади.

12.14. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

12.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзосининг талабига кўра чақирилади.

12.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

12.17. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

12.18. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

12.19. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

12.20. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.21. Мажлисида Кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

Шунингдек, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (*сўров йўли билан*) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин, **бундан ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирокида ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлислари мустасно.**

12.22. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

12.23. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

12.24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

12.25. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

12.26. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

12.27. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади.

12.28. Кузатув кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

12.29. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.30. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.31. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

12.32. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йигилишида тасдиқланган Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширади.

### **13. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

13.2. Жамият Бош директори жамиятга якка тартибда раҳбарлик қилувчи ижроия органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.3. Жамият Бош директори Кузатув кенгаши томонидан **3 йил** муддатга сайланади (тайинланади);

Бош директор сифатида тайинланган (*қайта тайинланган*) шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

13.4. Бош директор, директорлар томонидан ушбу Устав ва шартнома шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилинади.

13.5. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

13.6. Жамият Бош директорини тайинлаш (сайлаш), қоида тариқасида, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

13.7. Бош директор билан шартномани Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

13.8. Жамият Бош директори ва директорларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

13.9. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

13.10. Жамият Бош директори ва директорлари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.11. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

### **13.12. Жамият Бош директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:**

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш; Жамиятнинг ишига самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Жамиятнинг ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган масалаларни ечиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини таъминлаш ва олиб бориш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йигилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш;
- филиал ва шўъба хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Жамият филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги Низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини, ҳамда ходимларнинг ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш;
- Жамият номидан битимлар тузиш, шартнома ва контрактларни имзолаш;
- Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **13.13. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:**

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- Жамият акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг самарали ҳаракатини таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Жамиятнинг хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- Бош директорнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг **субсидиар жавобгарлиги у билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.**

#### **13.14. Жамият Бош директорининг ҳуқуқлари:**

- қонунчиликка, мазкур устав ва шартномага асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Жамиятнинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда тугилган барча саволларни ҳал этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, ҳамда унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар олдида ҳимоя қилиш;
- Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- Жамият бош муҳандиси, соҳавий директорлари ва ходимларини, ишга қабул қилиш юзасидан улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;
- уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамият Бош директори, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.15. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

13.16. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

13.17. Жамият Бош директори мазкур Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

#### **14. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш акциядорлар умумий йигилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг ички аудит хизмати хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.3. ички аудит хизмати Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

14.4. Активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.5. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

14.7. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.8. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **15. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

15.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

15.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида Жамиятнинг йиллик ҳисоботи кўриб чиқилади.

15.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.5. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

15.6. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

15.7. Жамият:

➤ Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

➤ Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

➤ акциядорларнинг умумий йигилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

➤ Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги Низомни;

➤ Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

➤ эмиссиявий қимматли қозғаларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

➤ акциялар эмиссияси рисоласини;

➤ бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

➤ тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

➤ Жамият акциядорлари умумий йигилишлари, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Жамият Бош директорининг буйруқларини;

➤ Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

➤ Жамият акциядорларининг реестрларини;

➤ Жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

15.8. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

## 16. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Жамиятнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16.2. Мазкур устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

16.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.4. Жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

Жамият Бош директори



*Ш. Сувонов*

Ш. Сувонов